

Абдулла ОРИПОВ,

Узбекистон халқ шоири. Алишер Навоий номидаги Узбекистон Давлат мукофоти лауреати.

ЙЎҚОЛМАГАЙ МЕҲРУ ОҚИБАТ



«Халқ сўзи» ўзбуктагарига.

Илоё, жоннамизга меҳру оқибат
ёр бўйиб, хоқимизниң бўлак
продаси барғамизни кўзлабоц!

Абдулла Орипов.

5 маи, 1994.



ТЕЛЕФОН ДАФТАРИ

Сира ажаб эмас,
Шомдан то саҳар
Унлаб дафтарларга кўмилиб қолсан.
Телефон дафтари —
Лекин, бу дафтар...
Юрагим безиллар, кўлимга олсан.

Унда қанча-қанча дўсту қадрон,
Таниш, нотанишининг номлари бордир.
Бирин, Инсон эди, то ҳануз Инсон,
Бошқаси, афуски, Иблисга ёрдир.

Бирин бойиб кетган, қув, иззатталаб,
Балки ўзгартриган эски рақами.
Бирори, кўзимнинг ёрини ялаб,
Мендан аллақачон узган қадамин.

Бирорига эса ёқмабди мансаб,
Атрофин ялтоқи зотлар ўрабди.
Кай куни қирқ йиллик дўстига қараб,
Исминг нима эди, — дей сўрабди.

Манов камтар, йўқсил танишим,
Кўнгли ўсмасиди битта сўзимдан.
Мен ҳам ўзгардимми? Мўлми ё ишим?
Бир бор йўқламабман. Гина ўзимдан...

Фожеа эмасдир бу гаплар зинҳор,
Балки қай бирини тузатса бўлар.
Лекин дафтар ичра қатор ва қатор,
Мархум дўстларимнинг номлари турар.

О, менинг қалби пок биродарларим,
Конингиз не учун бемаҳал тинди.
Сиз йўқсиз — мен учун давралар ярим,
Куним кимларгайдир қолмишилр энди.

Ҳа, номард бўлса ҳам ширин шу ҳаёт,
Ҳа, зақум бўлса ҳам фанимат зумлар.
Биламан, ортига қайтмас коинот,
Биламан, тирилиб келмас марҳумлар.

Балки ўчирсамми номларин? Асло!
Чўчийман, ўзимдан дакки егандай.
Улар, рақамларин терсам мабодо,
Юлдузлар ортидан «Лаббай» дегандай.

МЕҲРУ ОҚИБАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Дема, кўтарилид мөхру оқибат,
Биргина чора бор бундай чоқ фақат.
Токи танангда жон, оғзингда сўзинг,
Энди хабар олгин ўзингдан-ўзинг.
Хотин нонуштага олиб кирса чой,
Ўзингни таклиф қили: — Ич, Фалоншибой!

Тонгда ишонага қўяркан қадам,
Жумладан, салом бер ўз-ўзингга ҳам.
Илгакка палтонгни ҳурмат билан ос,
Кўрасат ўз-ўзингга садоқат, ихлос.
Одатда бир кимса ишга бўлар гов,
Ҳайфсан эълон қўилған ўзингга дарров.
Балки йўл оларсан узоқ сафарга,
Ироқ қишлоқами, олис шаҳарга.
Хол сўраб дадангдан, түқан ойнингдан,
Ўзингга мактуб ёз, борган жойнингдан.

Дема, кўтарилид мөхру оқибат,
Бунинг чораси бор, изла, топ фақат.

Тугилган кунингни балки биларсан,
Ўзингга нимадир совға қиласан.

Ногоҳ тушиб қолсанг касалхонага,
Қўз тикма, на дўсту на бегонага.

Яхшиси, ўғлингга тезлиқда сим қоқ,
Дегил: келмасанг гар, оқ қиласан, оқ!
Магар шоир бўлсанг ғазал ёз, ёз фард,
Лекин топилмайди ўқийдиган мард.
Ижро эт шеърингни ўзинг барадла,
Дегил, қотирибман, ўх, баракалла!
Набиринг кўнглига изласанг қалит,
Бир жуфт сақич беру ўзингни танит.
Улфат изламагин кўча юзидан,
Ҳозир ким кетмади пулнинг изидан.
Ниҳоят қартайиб, ҳориб толгайсан,
Барча ташаббуси қўлга олгайсан.
Бир кун трамвайга чиқсанг, ҳойнаҳой,
Сенга бирор кимса бўштмагай жой.
Ҳоли ўриндиқ тушса гар кўзинг,
Утиринг, домла! — де ўзингга ўзинг.
Кимлардир тортмасин ташвиш, жабрингни,
Албатта, қаздириб қўйгин қабрингни.
Бир жуфт сўз ўйдиргил мармар тошга ҳам:
«Бу ерда ётибди энг Яхши Одам!»
Ахир тиригингда йўқлашмади, бас,
Улганингдан сўнг ҳам ҳеч эсламас.
Хуллас, йўқолмагай мөхру оқибат,
Бунинг чорасини изла, топ фақат.

ШАРҚ ХИКМАТИ

(Жириновскийга)

Тахтга талпинасан разабга тўлиб,
Чиқармоқ бўласан оламшумул чанг.
Ҳар ойна кўтарган Искандар бўлиб,
Темур саналмагай ҳар қандайин ланг.

Ўзбекнинг давлати қарор топган чоқ.
Маймунжон терарди қайси бир наслинг.
Ўз ўртинг шаънига туширмагил доғ,
Ахир Одам эрур сенинг ҳам аслинг.

Ҳар ким шоҳ бўлай, дер иложин топса,
Урингай, тарихга келса ҳам малол.
Фалак чаппа кетиб, омадинг чопса,
Шарқнинг бир ҳикматин яхши англаф ол:

Подшоҳ деганлари туну кун бедор,
Халқининг меҳрибон дояси бўлур.
Бежиз айтмаганлар, асл ҳукмдор,
Худонинг ердаги сояси бўлур.

МАЙНА

Богнинг қий-чувига ҳулоқ тутаман,
Бу ерда турға ҳил қушлар айланар.
Сальба-ю қалдирорч — ўзи бир чаман,
Ва лекин кўпайиб кетмиш майналар.

Бундай олғир қушни кўрмаганман ҳеч,
Бир чўқиб, ўн қарап — тегар жонингга.
Унга фарқи йўқдир, кундузми ё кеч,
Дангас шерик бўлар дастурхонингга.

Юришини кўрсанг, олифта, сатанг,
Балки сепиб олган фаранг атрини.
Мусиҷа ўзини эплайди аранг,
У-чи, ерга урмас сира қадрини.

Айни пишган чоғи боғингда кишмиш,
Эгалик қилади эккандай ўзи.
Яхшиям, йўқ унда ўттиз икки тиши,
Яхшиям, ҳамённи пойламас кўзи.

Улгурса, ер юзин айларди тақир,
Сўнгра бир-бирин еб, топарди барҳам.
Дунёда инсофли қушлар кўп ахир,
Улар соясида яшар майна ҳам.

ТЎРТАЛИКЛАР

Пайдо бўлганида замин бир замон,
Аввал яралгандир Даҳаҳт ва Ҳайвон.
Бу иккى соддани алдамоқ учун,
Ақлини пеш қилиб чиқсан сўнг Инсон.

Одатда, улфатлар бўлишганда жам,
Қизишиб дейдилар: Дунё—бери кам.
Ажиб бир зиддият: охирги қадаҳ
Ортиқ бўлганини ўйлашмас ҳеч ҳам.

Бир йўл чеккасида ётибман нолон,
Чорасиз бўлсан-да мен ҳам тирик жон.
Устимга отингнинг сояси тушди,
Жиловни нарироқ тортсанг-чи, нодон.

Балки чаман бўлур дашти Қарбало,
Балки, беҳишт мавжуд — юлдузлар аро.
Менинг Узбекистон — Ватанин бордир,
Уларнинг баридан аълороқ, аъло!

ДУНЕ

Бир кимса умрининг сўнгига қадар,
Ингди молу дунё, ингди сийму зар.

Уни қизиқтириди на дўстнинг ҳоли
Ва на қўшиносининг ўқсик аҳволи.

У чиндан мол-мулкнинг жиловин тутди,
Фақат нафс юртида от суриг ўтди.

Бир куни ба ҳукми тақдири азал,
Шамширин кўтариб келди-ку ажал.

Энди на сийму зар қутқара олур,
На биллур, на гавҳар қутқара олур.

Рози ё норизо — фарқи йўқ мутлок,
Бундай чоқ чорасиз ҳатто дўст — ўттоқ.

Бешафқат ажалга берар экан тан,
У деди: «Шу экан, дунё шу экан».

Мархумга мархумлик кўрилгай лойик,
Уни қабристонга элтди ҳалойик.

Уюм тупроқ бўлди қувончи-ғами,
Кимдир бокиб деди: «Шунга шунчами...».

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.



МУАССИСЛАР:

Узбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Узбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анивар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙҶАТИ:

Абдунаబи БОЙҚУЗИЕВ, Эсрнглар БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»),
Эрин ВОХИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир
Урингосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир Урингосари, «Народное слово»),
Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳамад РИЗДЕВ, Александр ТЮРИКОВ
(масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримкул ҚОДИРОВ,
Муҳаммаджон КОРАБОЕВ, Сайдаккор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-й.

Навбатчи муҳаррир —
А. Бойқўзиев, навбатчи —
Ш. Мутаҳҳархон ўғли.